



05.06.02 «Түкімачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш» ихтисослиги бўйича таянч докторантурага (PhD)

КИРИШ ИМТИХОНИ

ДАСТУРИ

БУХОРО-2022

Тузувчилар:

Р.Х.Нурбоев – т.ф.и. проф.
Ф.Ф.Казакон – (PhD) доц.
С.Э.Мардонов – (PhD) доц.

Такризчилар:

“Табиий тоиларин дастлабки
ишлаш” кафедраси мудир
т.ф.д., проф. Х.К. Рахмонов.
“Бухоро усув ишлаб
чиқариш” корхонаси
директори Қ. Олимов

БУХОРО-2022

Ушбу дастурда “Пахтаи дастлабки ишлаш технологияси”, “Тўқимачилик махсулотлари технологияси ва жихозлари”, “Йигириш технологияси”, “Тўқувчилик технологияси” ва “Трикотаж технологияси” фанларидан 05.06.02 «Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш» ихтисослигига бўйича таънч докторантурага (PhD) кириш имтихони материаллар мазмунини баён қилинган.

Институт Илмий Кенгашининг 2022 йил _____-сонли қарори билан тасдиқланган.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг тўқимачилик хом-ашё бойлиқларини асосини пахта ва ипак ташкил этади.

Давлатимиз томонидан қўйилган муҳим вазифалардан бири тўқимачилик соҳалари маҳсулотларини жaxon бозорларида мустақкам ўз ўринларини топишига эришиб, иктисодиёти жиҳатидан ривожланган мамлакатлар каторига киришида хисса қўшилиш иборатдир.

Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатида ресурстежамкор, юкори самарали технологияларни яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жaxon бозоридagi рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда ўз хиссасини қўшадиган юкори малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Шу мақсад йўлида мухтарам Призедентимиз томонларидан хозирда таълимни модернизация қилишга, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларни олиб боришга катта аҳамият берилмоқда.

Қўрсатилган муаммоларни ечишда замонавий ахборот, нано, микропроцессорли, чикиндисииз технологияларни қўллаб мавжуд услуб ва жараёнларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш, илм-фан натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида ноёб табиий хом-ашёларни тўлалигича қайта ишлаб, харидоргир тайёр маҳсулотлар турларини қўпайтиришга эришишга қаратилган изланишларни олиб бориш тадқиқотларнинг муҳим йўналиши бўлиб хисобланади.

Юқоридagилар ўз навбатида сифатли тоналарни олиш, соф, аралашма тонали йигирилган ва узликсиз ипак, юкори гигиеник хусусиятли, эксплуатация жараёнида қулай, фикимланмайдиган, чанг ва кирни ўзига тортмайдиган тўқима, нотўқима, трикотаж матолари, автомобил ва бошқа саноатларда, тиббиётда, кундалик турмуш-ҳаётда зарур бўлган харидоргир маҳсулотларни яратишни тақозо этади.

Хом-ашё ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаб тайёр маҳсулотларга айлантириш каби қўп киррали фанларни умумлаштирган тўқимачилик материаллари технологияси йўналиши, соҳалар мутахасисликларига ихтисослашган докторант, таънч докторант ва мустақил изланувчилар учун малакавий имтиҳонларни топиришда асос бўлиб хисобланади.

Докторант, таънч докторант ва мустақил изланувчилар томонидан ихтисослик фанидан малакавий имтиҳон топиришга тайёргарлик: пахта, дастлабки ишлаш, табиий ва кимёвий тоналарни йигириш, ипак технологияси, хом ипак ва кимёвий ипларни эшиш, текстурлаш, тўқув, трикотаж матолари ишлаб чиқариш фанларини, техника ва технологиялар асосларини уларни ривожланишларини кенг қамровли ўқув адабиётлардан, хорижий адабиёт, илмий-техник журналлардан, чет эл турдош олий ўқув юртлари кутубхоналаридан, ишлаб чиқариш ютуқларидан фойдаланиб, мустақил чуқур ўрганиш асосида олиб борилади.

1. ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ

1.1. Пахта тозалаш саноатининг ривожланиш истиқболлари

Республика пахта тозалаш саноати корхоналарининг ривожланиш тарихи. Пахтачилик ва пахта тозалаш саноати ҳақида умумий маълумотлар. Ўза агротехникаси ва унинг ривожланиш босқичлари. Чигитли пахтани териб олиш усуллари. Пахта етиштирувчи ва қайта ишловчи давлатлар пахта тозалаш саноати корхоналарининг техника ва технологиялари.

1.2. Чигитли пахтани куритиш

Нам пахта хом-ашёси. Намлики материал билан боғланиш турлари. Нам пахта хом-ашёсини куритиш усуллари. Куригичлар классификацияси. Куритиш харорати, чигитли пахтани куритиш кинетикасининг хисоблаш усуллари. Куригичларнинг конструкциялари ва ишлаш принциплари. Чигитли пахтани куритиш барабани қўдаланг юзаси бўйича таққсимланиши. Чигитли пахтанинг куритиш жараёни ва куритиш ускуналарини такомиллаштириш бўйича олиб боришган илмий изланишлар.

1.3. Чигитли пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш

Ифлос аралашмаларининг классификацияси. Чигитли пахтани йирик ифлос аралашмалардан тозалаш. Чигитли пахтани майда ифлос аралашмалардан тозалаш. Чигитли пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш жараёнининг назарияси. Чигитли пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш бўйича олиб боришган илмий ишлар. Чизикли-оқимли тозалаш линиялари, уларнинг жойлашиш тартиблари, технологик машиналарнинг таркиби ва техник ихтисодий қўрсаткичлари. Чигитли пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш технология жараёнининг элементлари ва назарияси. Тозалаш машиналарининг тузилиши ва ишлаш принциплари. Чигитли пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш машиналарини автоматлаштириш ва компьютерда бошқариш. Чигитли пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш технологияси ва ускуналарининг ривожланиши йўналишлари.

Тозалаш технология жараёнида чигитли пахтанинг сифат қўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ва сифатини сақлаб қолиш чора-тадбирлари. Тозалаш машиналарига чигитли пахтани узлуксиз ва бирмаромда узатиб берувчи таъминлагичлар ва уларнинг конструкциялари.

Юкори навли паст намликдаги чигитли пахтани куритиш-тозалашни ресурстежамкор технологияларни яратиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар.

1.4. Чигитли пахтани аррали жинлаш

Чигитли пахтани аррали жинлашни ривожланиш тарихи. Аррали жинларнинг классификацияси. Чигитли пахта чигитидан то лани ажратиш назарияси. Аррали жинлаш бўйича олиб боришган илмий ишлар таҳили. Аррали жинлаш технология жараёни ва хом-ашё валигининг ҳосил булиши, толаси тўлик ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан чиқиб кетиш ва арра тишларидан толани ажратиб олиш технологик жараёнилари. Аррали жинлаш технологик жараёнида толанинг сифат қўрсаткичларига

1.8. Пахта толасини намлаш

Пахта толасини намлашни иктисодий ва технологик мақсадлари. Дунё амалиётида пахта толасини намлаш ҳолатини тахлили. Пахта толасини намлаш қурилмаларининг тузилиши, ускуналари ва уларнинг техник иктисодий кўрсаткичлари. Намланган тола то ҳолатида сақлаш жараёнида толаннинг асосий технологик кўрсаткичларини ўзгариши.

1.9. Тола, момик ва толали маҳсулотларни тойлаш

Тола, момик ва толали маҳсулотларни тойлашдан мақсад ва иктисодий самарадорлиги. Пресс қурилмалари ва тойлаш технологик жараёни. Тойлаш зичлиги, стандарт талабларга жавоб берадиган тойлар олиш учун зарур бўлган босим. Тола намлигини тойлаш технологик жараёнига таъсири. Тойларни боғлаш жараёнида қучланишини ленталарга тақсимланиш характери ва боғланиш ишончилиги таъсири. Шиббалаш зичлиги. Тойлаш технологик жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш. Пресс қурилмаларини бошқариш.

1.10. Уруғлик чигит тайёрлаш

Туқли ва туқсизлангирлан уруғлик чигит тайёрлаш цехлари технологик ускуналарининг жойлашиш кетма-кетлиги, УПС русумли чигит қабул қилиш бункери, ЧСА русумли чигит саралаш агрегати, МЧТ русумли механик чигит тозалагич машиналарининг тузилиши ва ишлаш принциплари. ЛБ колосниксиз линтери ва ОС чигитни туқсизлангирлаш машиналарининг тузилиши ва ишлаш принципи. Туқли ва туқсизлангирлан уруғлик чигитни тайёрлаш технологик жараёнида автоматлаштириш ва компьютерда бошқариш. Уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнини ривожланиш истикболлари.

1.11. Маҳсулот сифатини назорат қилиш

Ишлаб чиқарилган тола, момик, чигит ва толали чиқиндилар учун Республика давлат стандартлари. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифат кўрсаткичларини кўтариш учун олиб борилаётган чора-тадбирлари.

1.12. Пахта тозалаш қорхоналарида қўл меҳнатини камайтириш, технологик жараёнларни комплекс механизациялаш

Чигитли пахтани қабул қилиб олувчи ва узатиб берувчи механизация воситалари. Тола, чигит ва толали чиқиндиларни ташиш воситалари. Механизация воситаларини автоматлаштириш.

таъсир этувчи омиллар. Аррали жин асосий ишчи қисмларини технологик жараёнга таъсир. Аррали жиннинг иш унумдорлиги ва олинадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари. Аррали жинлаш технологик жараёнини автоматлаштириш ва компьютерда бошқариш. Аррали жинлаш техника ва технологиясининг ривожланиш истикболлари.

Аррали жинлаш технологик жараёнида хом-ашё валигининг айланишлар сонини тездаш мақсадида ишчи камерага ўрнатилган тезлатгичларни конструкциялари ва уни жиннинг иш унумдорлигига ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифат кўрсаткичларига таъсири.

1.5. Чигитли пахтани валикли жинлаш

Узун толали чигитли пахтани жинлашни хусусиятлари. Валикли жинлаш технологик жараёнини ривожланиш тарихи. Валикли жинларнинг классификацияси. Ишчи валиклар ва урувчи қисмларнинг турлари. Валикли жинлашнинг назарий элементлари. Ишчи валикнинг илаштириш қобилияти ва уларни ҳисоби. Чигитли пахтанинг дастлабки кўрсаткичларини валикли жиннинг иш унумдорлигига таъсири. Валикли жинлаш жараёнини автоматлаштириш ва компьютерда бошқариш. Валикли жинлаш технологик жараёнини ривожланиш истикболлари

Чигитли пахта структура кўрсаткичи ўзгаришини валикли жинлаш технологик жараёнига таъсири. Машиналарнинг иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг ўзгариши.

1.6. Чигитли пахта толасини ифлос аралашмалардан тозалаш

Ўрта ва узун толали чигитли пахта толаси тозалагичларининг классификацияси. Пахта толасини ифлос аралашмалардан тозаланишнинг назарий асослари. Тола тозалагичларининг тузилиши жиҳатдан бир-биридан фарқи ва уларнинг тозалаш самарадорликлари. Тола тозалагичлар ишчи қисмлари орасидаги муносабатлар, уларни толаннинг сифат кўрсаткичларига ва тозалаш самарадорлигига таъсири. Тола тозалаш технологик жараёни параметрларини автоматлаштириш. Тола тозалагичларнинг ривожланиш истикболлари.

Инерцион тола тозалагичларнинг тузилиши ва ишлаш принципи. Машинанинг афзаллик ва камчиликлари. Ишчи органлари вертикал жойлашган пичокли-планкали тола тозалагичларнинг конструкцияси ва ишлаш усули. Тола тозалагичларнинг маҳсулот сифат кўрсаткичлари таъсири ва тозалаш самарадорликлари.

1.7. Пахта чигитини линтерлаш (момик ажратиш)

Линтерлаш машиналарининг классификацияси. Чигитни тозалаш технологик жараёни момикни сифат кўрсаткичларига таъсири. Линтерлаш машиналарининг конструкциялари ва ишлаш тартиби. Тўзигич ва унинг асосий вазифаси. Линтерлаш машинасининг асосий ишчи қисмлари ва уларни жараёнга таъсири. Линтерлаш технологик жараёнининг назарияси. Линтерлаш машиналарини автоматлаштириш жараёнида ишлаб чиқиш ва ривожланиш истикболлари.

1.13. Пахта тозалаш саноати техника-технологиясининг илмий изланиш асослари

Читили пахтани куриштиш ва тозалашнинг ресурстежамкор самарали технологияларини илмий асосларини яратиш. Читили пахтани қайта ишлаш технологик жараёнида унинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи технологик жараёнлар ишлаб чиқиш.

Пахта тозалаш саноати техника ва технологиясининг бугунги кун ҳолатини таҳлили, асосий ривожланиш истикболлари, читили пахтани сақлаш, куриштиш, ифлос аралашмалардан тозалаш, читили пахта читилидан толасини ажратиш (жинлаш), толаси тозалаш, читилдан момик ажратиш (линтерлаш) ва тойлаш технологик жараёнларини назарий ва илмий асослари. Илмий изланишлар олиб боришда тажрибалар ўтказишни режалаштириш ва ташкил этиш. Қўйилган мақсадга эришиш учун илмий изланишлар услублари. Пахта тозалаш саноати техника ва технологиясида илмий ва техник муаммоларни ечиш усуллари.

1.14. Пахтани дастлабки ишлашнинг ёрдамчи бўлимлари

Толали чикиндиларни турлари ва уларни қайта ишлаш технологик жараёни. Толали чикиндиларни қайта ишлаш техника ва технологиялари ва уларни техник иктисодий кўрсаткичлари.

Арра таъмирлаш бўлими, технологик машиналарни эксплуатация қилиш учун эҳтиёт қисмлар, колосниклар ва арралар тайёрлаш.

Атмосфера хавосини чангсизлантириш усуллари. Атроф муҳитни ва ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини чангсизлантириш муоммолари. Бир ва кўп босқичли хавони чангсизлантириш тизими. Хавони чангсизлантирувчи циклонлар.

Ишлатилган жин ва линтер арраларини саралаш, уларга янги тиш чиқариш, фаскалаш, қумли ваннада ишлов бериш ҳамда текислаш техника ва технологиялари. Аррالي цилиндрларни йнгиш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш.

2. ИПАК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Дунё микьёсида пилла етиштириш, ипак ишлаб чиқаришда Ўзбекистонни тутган ўрни. Табиий ипак маҳсулотларини мамлакат иктисодиётидаги, бозор талабларидаги аҳамияти. Табиий ипакнинг энг мураккаб, ҳар бир қисми алоҳида-алоҳида 15-40 ўтмили қуйидаги технологик жараёнларини камраб олишини муҳим омиллари:

- пилла етиштириш ва пиллага дастлабки ишлов бериш (ПДИБГ (куриштиш));
- пиллаларни чувишга тайёрлаш ва хом ипак ишлаб чиқариш;
- хом ипакни эшишга тайёрлаш, эшиш, кимёвий ипларни эшиш, текстурилаш;
- ипакнинг толали чикиндиларини қайта ишлаб чиқарилган ипак ипларини ишлаб чиқариш;
- табиий ипақдан тикув, эшилган ва ўрилган жаррохлик ипларини ишлаб чиқариш.

2.1. Пилла етиштириш ва унга дастлабки ишлов бериш (куриштиш)

Ипак курти уруғи, зотлари, дурагайлари. Озука базаси. Пилла етиштиришдаги усулларини таққослаш: Маҳаллий, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Бразилия шароитларида. Замонавий маҳаллий зот ва дурагай пиллаларини хусусиятлари. Пилла етиштириш ва унга дастлабки ишлов бериш жараёнларини мақсади ва аҳамияти. Пиллаи гўмбагини жонсизлантириш, ярим куриштиш ва куриштиш технологиялари, усуллари, дасттохларни турлари.

Куриштишнинг турли усулларида қобик ва пилланинг куриш температураси ва тезлиги, куриштиш этри чизиги, конвект усули, сияли куриштиш, сублимация ва бошқа усуллар. Куриштишда қўлланиладиган замонавий иссиқлик агентларини ишлаш принципи ва усуналари. Тирик пилла гўмбагини жонсизлантириш ва куриштиш технологиясини такомиллаштириш. Гўмбақни жонсизлантиришда инфрақизил нурни қўллаш усулининг истикболлари. Гўмбақни жонсизлантириш ва куриштиш усулини такомиллаштириш ва назарий асослари Ўзбекистонда тирик ва қуруқ пиллаларни стандартизациялаш тарихи. Тирик ва қуруқ пиллалар учун давлат стандартлари. Пилла гўмбагини жонсизлантириш ва куриштишнинг муқобил режимларини ўрнатиш ва танлашда компьютер технологияларини қўллаш. Пилла хом-ашёсини ишлатишнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Қуруқ пилла учун давлат стандарти ГОСТ 31257-2004.

Ипак курти, уруғи, зотлари, гибридларини, озукани, боқит шароитларини, пилла тайёрлаш ва куриштиш параметрларини, қобитнинг технологик хусусиятларига таъсири. Пайдо бўладиган чикиндилар турлари. Ипак чувиш фабрикаларида пиллани қабул қилиш, сақлаш шартлари ва шароитлари. Пилла зараркундалари ва улар билан курашиш усуллари.

2.2. Пиллаларни чувишга тайёрлаш ва хом ипак ишлаб чиқариш

Пиллаларни чувишга тайёрлаш технологик жараёнларининг назарий асослари. Пиллаларни буглаш, силкитиш ва якка учини топиш жараёнларини назарий асослари. Пиллани ичига сув тўлдириш жараёни. Пиллаларни сувга тўлдириш ҳажмининг муҳитнинг температура ва босимга боғлиқлиги формулаларининг ҳулосаси. Серийинни юмшатиш жараёни, усули ва серияинни юмшатиш критерияси.

Пилла иппининг динамик таранглиги ва сиринининг адгезияси, иппининг чиқиш кучи. Температуруга боғлиқ иппининг чиқиш кучини тизирезис. Ўралиб қолган илли пиллалар, якка учли пиллалар ва пилла лосининг чиқишга таъсир этувчи омиллар. Пиллаларни силкитишни оддий ва дефференциал усуллари. Пиллаларни якка учини ахтариш, силкитиш ва учли ва учсиз пиллаларни яратиш элементлари КЗ, ЧИБО тизимидаги ва бошқа турдаги бўғлаш машиналарининг ишлаш принципи ва усуналари. Шу дастгоҳларда технологик жараёни автоматик бошқариш элементлари тизими. Пиллаларни чувишда тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш ва техникасини модернизациялашнинг иктисодий самардорлиги.

Сифатли пилла чувишни назарий асослари. Пиллаларни чувиш жараёнида хом ипакнинг чизикий зичлигини даста тағидати пиллалар сони билан, таранглик, тангенциал ишқаланиш кучи, комплекс ипак қисмларининг электр ўтказувчанлиги, комплекс иппининг киркимининг интеграл каллиниги, даврий равишда дастани таъминлаш ва бошқалар орқали назорат қилиш, ростлаш усуллари ва уларнинг назарий асослари. Пилла чувиш жараёнида хом ипакнинг чизикий зичлигини назорат қилиш ва ростлашни усуллариға боғлиқ холда узлуксиз чизикий зичликдаги хом ипак ва берилган ўртача чизикий зичликдаги хисобий формуласи. Хом ипак чизикий зичлигини ростлашда қўлланиладиган назорат жиҳозларини ўрганиш, ишлатиш ва уларни назарияси. Жараёнлар бўйича назорат иппаратларида бажариладиган операцияларнинг сифатига таъсири. Механик илгичларда дастава чувиладиган пилла учини қўшилиши жараёнларини назарий талдиқи ва асослари. Илгичлар муқобил ишлаш режимлари ва шартлари. Комплекс ипаларда пилла иппи учини қўшилишида хосил бўладиган нуксон турлари ва тавсифи. Илгичда ўралиш хосил бўлиши ва уни бартараф этиш йўллари. Дастанинг компенсация даврита технологик режимнинг таъсири. Пилла чувиш жараёнида муқобил чувиш тезлиги. Пиллани муқобил чувиш тезлигини хисоблаш. Хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида чирмаштиришни ахамияти.

Чирмаштириш усуллари. Пилла чувиш тозининг йигиш мосламасигача бўлган масофадаги иппининг таранглиги. Паковкага келгунгача бўлган иппининг таранглигини камайтиришда қўлланиладиган усуллар.

Хом ипакни калава, ғалтак, бобина ва найчаларга йигиш усуллари. Иппи йигиш усулига боғлиқ бўлмаган ҳолатда хом ипакни қабул қилиш ва қуриштиш режимлари. Чархни моделлаштириш ва хом ипакни йигиш ва қуриштиш такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. Қуриштиш агентининг хароратни автоматик ростлаш усуллари. Хом ипак чиқиши ва якуний махсулотнинг нормативлари.

Замонавий пилла чувиш дастгоҳлари. Пиллакашлиқда технологик жараёнларнинг асосий йўналишлари. Янги технологик занжирлар ва автоматик пилла чувиш йўналишлари.

Хом ипак ва унинг сифати. Хом ипак ассортименти ва унинг ўзгариш динамикаси. Механик ва автомат дастгоҳларда чувишган хом ипак, нуксонли ва қўшалок пиллалардан ишлаб чиқарилган хом ипак. Ипакнинг комплекс гигиеник ва иссиқлик ўтказувчи, юқори гирсикопик хусусиятлари. Хом ипакнинг физик, кимёвий ва техникавий кўрсаткичларини талдиқи. Хом ипак сифатини аниқловчи кўрсаткичлар ва стандарт талаби бўйича калаваларнинг ҳолати. Хом ипакни стандартлашнинг тарихи. Хом ипак учун халқаро стандартлар. Пиллакашлиқ фабрикаларида махсулот сифатини бошқаришда пилла чувиш системаси. Хом ипак ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар турлари.

Пиллакашлиқда технологик сув тайёрлаш. Пилла чувишда сувнинг ахамияти. Турли сувлар сифатининг тавсифи. Тавсия этиладиган сув таркибига талаблар. Сув

сифатининг пиллакашлиқ жараёнига, хом ипакнинг чиқиши ва сифат кўрсаткичларига таъсири. Технологик сув тайёрлаш дастгоҳлари ва усуллари. Кимёвий реактивлар метъери.

2.3. Хом ипакни эшишга тайёрлаш, эшиш. Кимёвий ипларни эшиш, текстурлаш

Узлуксиз ипларни эшишдан мақсад ва моҳияти Эшишда ипга таъсир қилувчи кучлар схемаси. Эшилган иплар турлари, асосий хусусиятлари.

Тўқувчиликга тайёрланадиган крел ипларини турлари, эшилиш йўналишлари, хом ипаклар сони. Трикотаж ишлаб чиқариш учун хом ипакдан хом-ашё тайёрлашни янги технологияси. Трикотажда қўлланиладиган ипак ипларини турлари.

Хом ипакни эшишга тайёрлаш усуллари, дастгоҳлари, уларни иш унумдорлигини хисоблаш формулалари. Эшишга тайёрланган хом ипакни қайта ўрашдаги нуксонлар. Қўшиб эшиш, эшиш машиналарини турлари ҳалқали эшиш, этажли эшиш машиналарини технологик схемалари. Эшилган комплекс ипларни структураси. Эшилган ипларни узлиш кучларини хисоблаш Элементар ипларни комплекс эшилган ипларда жойлаштиш схемаси. Бурамларни эшилган ипларнинг чизикий зичлигига боғлиқлигини, унинг физик-механик хусусиятларига таъсирини хисоблаш. Япониянинг янги турдаги қўшиб эшиш машинасини схемаси, техник характеристикалари. Эшилган ипларнинг, бурам бериш жараёнида пайдо бўладиган нуксонлари.

Бурамларни мустаҳкамлаш, мувозанатга келтириш усуллари. Ипак эшиш корхоналарида (цехларда) табиий ва кимёвий ипларни эшишнинг моҳияти. Узлуксиз кимёвий ипларнинг турлари. Вискоза, ацетат, капрон, полиэфирларини эшишга тайёрлаш, ёғ, антистатик моддаларни қўллаш ва микдори. Кимёвий ипларни қабул қилиш, саклаш, эшиш партиясини ташкил этиш, массасини хисоблаш. Кимёвий ипларни қайта ўрашга тайёрлаш ва эшиш. Бир вақтда икки бурам берувчи учмугли эшиш машинасида бурам бериш схемаси. Бурамларни хисоблаш формуласи. Центрифугаль усулда бурам бериш схемаси. Кимёвий иплардан шаклдор (фасонли) эшилган иплар турлари, ишлаб чиқариш технологияси.

Текстурланган ипларни эшиш усули билан ишлаб чиқариш, умумий хусусиятлари ва қўлланилиши. Бир процессли усулда юқори қўзғилувчан текстурланган ипларни олиш схемаси. Ёлгон бурам бериш ва иссиқлик ишлов бериш механизмлари ва иссиқлик камераларини турлари, қўринишлари. Иппининг қўзғилувчанлигини, жингалак шакллари (извитости) турғунлигини, чизикий зичлигини, ҳажмдорлик ва бошқа муҳим хусусиятларини хисоблаш формулалари. Ёлгон бурам бериш жараёнининг тахлили. Бурам бериш зонасини хар хил қисмида текстурланган иплардаги бурамларни ўзгариши. Текстурланган ипларни ишлаб чиқаришда мумтоз усул билан узлуксиз усулни асосий фарқлари.

2.4. Йигирилган ипак иппини ишлаб чиқариш

Табиий ипакни толали чиқиндилардан йигирилган ипак иппи ишлаб чиқаришни ўзига хос хусусиятлари. Толали чиқиндиларни классификацияси ва характеристикаси. Ипак чиқиндиларини турларига қараб елим ва ёғ-мум моддаларидан ажратишга тайёрлаш. Чиқиндиларни елимсизлангириш ва ёғсизлангириш жараёни, дастгоҳлари, конвеер, центрифуга, қуриштиш машиналар параметрлари. МРО дастгоҳини ахамияти. Ипак

3. ТАБИЙ ВА КИМЁВИЙ ТОЛАЛАРИНИ ЙИГИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3.1. Ип ишлаб чиқариш ва унинг таракқиёти

Иктисодиётимизни модернизация қилиш, табиий ва кимёвий толалардан ип йигириш техникаси ва технологиясини янгилаш, ишлаб чиқариладиган ип ассортиментлари рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қартилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари. Ўзбекистонда ип йигиришни жадаллаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар. Халқ истеъмолмоллари ва маиший хизмат комплексининг таракқиёт дастури. Табиий, кимёвий толалар ва улар аралашмасига ишлов берувчи йигириш тизимлари. Йигириш системаларининг таснифи (классификацияси). Қисқартирилган йигириш системаси. Ип ишлаб чиқариш технологик жараёнларини автоматлаштириш. Йигиришнинг янги усуллари. Элементар кимёвий филаментларнинг қисқартирилган йигириш системаси. Кам қадқили жутини бир ўтимли ва икки ўтимли усулларда қайта ишлаш. Йигириш усуллари ва қисқартирилган системанинг афзалликлари. Ип ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва реконструкциялаш.

3.2. Тўқимачилик толалари-ип ишлаб чиқаришнинг хом-ашёси. Титиш, тозалаш жараёнлари

Ип ишлаб чиқаришда ишлатиладиган пахта хом-ашёсининг асосий селекция навлари, жун ва луб толаларининг турлари. Луб, жун ва пахта толасининг таснифи ва стандарти. Жараёнлар, машиналар ва пахта толаларининг технологик хоссалари харақтеристикаси. Пахтани йигириш, жунни йигириш, луб толалари йигиришда ишлатиладиган кимёвий толаларнинг таснифи ва технологик хоссалари. Ип ишлаб чиқаришдаги чикиндилар ва уларнинг иккиламчи ишлатилиши. Табиий хом-ашёни тежаш тадбирлари. Чикиндисиз технология ва унинг имкониятлари. Босқичлари камайтириш усуллари. Моддий ресурслар сарфини камайтирувчи технологияларни жорий этиш усуллари, махсулот таннархини камайтириш усуллари.

Аралашмани лойиҳалаш ва ип хоссаларини ҳисоблаш. Пахта, жун, кимёвий толалардан ип ишлаб чиқаришда хом-ашёни танлаш принциплари. Типли сараланмалар, ип ишлаб чиқаришда аралашма таркибининг технологик ва иктисодий аҳамияти. Ип ишлаб чиқаришдаги аралашмаларнинг таснифи. Пахтани йигиришда аралашма танлаш усуллари. Пахта, жун ва каноп билан аралаштириш учун кимёвий толаларини танлаш. Ип хоссалари, тола хоссалари ва пишитилганлик орасидаги ўзаро боғлиқлик. Берилган ип учун аралашма хоссалари лойиҳасини тузиш. Аралашма таркибини компьютер ёрдамида муқобиллаш (оптималлаш).

Йигириш махсулотларининг нотекислиги. Нотекислик ва уни тадқиқ этишнинг аҳамияти. Таркиби ва хоссалари бўйича нотекислик турлари. Махсулотнинг хоссалари бўйича нотекислигини баҳолаш. Чизикий зичлик бўйича махсулот нотекислигининг даражаси ва индекси. Нотекисликнинг харақтери бўйича таснифи. Тасодикий нотекислик ва уни функционал харақтеристикаси: корреляцион функция, спектрал зичлик ва нотекислик градиента. Бир ўлчамли махсулотнинг тадқиқот вақтидаги кўрсаткичлари. Гипотетик пилта ва унинг нотекислигини статик тавсифи. Ип ва йигиришдаги ярим махсулот нотекислиги. Нотекислик пайдо бўладиган жойни белгилаш.

чикиндиларидан серицини қайнатиб чиқаришда ишлатиладиган эмульсия таркиби, жараён давомийлигини рационал вариантларини ўрнатиш. Тололарни елимсизлантиришни тақомиллаштирилган усуллари. Қуритиш ва дам бериш. Тололарни титиш, штапеллаш усуллари. Штапеллаш жараёнида толаларни зўриқтиришни тахлили. Ипак йигириш технологик жараёнларни ўрта муҳим усули ва назорат асослари. Чўзувчи жуфтлардаги толаларнинг динамик схемаси, узилган тола учини харақат қонунияти. Тололарнинг узун-қалталигини ва уларда нуксонлар борлигини, йигирилган ипакни шаклланишида унинг нотекислигига таъсирини тахлили.

Пиллалардан чувилган хом ипакни ва унинг тонали чикиндилардан йигирилган ипак ипини жажон бозоридаги нархларини бир хил бўлишини асослари. Йигириш қорхоналарида пайдо бўладиган, тўқимачилик саноатида қўлланилмайдиган табиий ипакнинг иккиламчи чикинди, қалта толаларидан юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқаришга хом-ашё тайёрлаш технологияси. Ипак толасини қозоннинг сифат кўрсаткичларига таъсири, графити. Ипакнинг чикиндисиз технологиясини чизма схемаси.

2.5. Табиий ипакдан тикув, эшилган ва ўрилган жаррохлик ипларини ишлаб чиқариш

Табиий ипакдан ва кимёвий иплардан тикув ипларини ишлаб чиқаришни максади ва моҳияти. Табиий ипакни қўшиб, қўшиб бурам бериш жараёнларини тақорлаш натижасида ишлаб чиқариладиган тикув ипларининг структураси, бурамлар йуналишлари, қўшилган иплар сони, чизикий зичликлари ва тайёр махсулотни савдо номерларини келтириш.

Кимёвий иплардан тикув ва махсус техник иплар структураси, номерлари. Тикув ипини чиқариш учун технологик картани келтириш. Бир процессли тикув ипини ишлаб чиқарадиган машинанинг технологик схемаси. Тикув ипини пардозлаш. Тикув ипини ишлаб чиқаришда унинг чизикий зичлигини ўзгаришини ҳисоблаш.

Эшилган ва ўрилган жаррохлик ипларини ишлаб чиқаришда хом-ашё тайёрлаш дасттоҳлари, уларнинг технологик параметрлари. Ипларни структураси ва харақтеристикаси, хусусиятлари. Ўрилган жаррохлик ипини эшилган ипдан фарқли жиҳатлари.

Тўқимачилик хом-ашёсини аралаштириш жараёналари. Титиш ва тозалаш жараёнини амалга ошириш усуллари. Титиш ва тозалаш машиналари, жумладан, замонавий чет эл титиш ва тозалаш машиналарининги тахлил қилиш. Титиш ва тозалаш жараёнининг жадаллиги ва самардорлигини баҳолаш. Титиш ва тозалаш самарасига жараёнлар тақрорийлиги ва интенсивлигининг таъсири.

Машиналарни агрегатлаштириш усуллари. Титиш ва тозалаш машиналарининг тараккиёти.

Аралаштириш усуллари. Даврий ва узлуксиз ҳаракатдаги аралаштириш машиналарида аралаштириш назарияси. «Tritzschelet», «Riter», «Marzoli», «Balkan» ва «Лакшми» фирмаларининг аралаштириш, титиш ва тозалаш агрегатлари. Меланжлаш ва пилталаш машиналарида пилталарни аралаштириш. Ўйгириш маҳсулотлари ва оғирлиги бўйича толалар аралашуви самарасини баҳолаш. Аралаштириш машиналарининг тараккиёт йўллари.

3.3. Табиий ва кимёвий толалар ва уларнинг аралашмалари, тараш ва қайта тараш, чўзиш жараёнлари, маҳсулотни қўзиш

Шляпкали ва валикли тараш машиналарида тараш жараёнининг тахлили. Гарнитура ўлчовларини ҳисоблашнинг асосий назарияси ва толали материаллар билан ишчи органларнинг ўзаро боғлиқлиги. Тараш жараёнининг самардорлиги ва интенсивлигини баҳолаш. Тараш машиналарида маҳсулотни аралаштириш ва теклаш жараёнининг тахлили. Бу жараёнлар самардорлигини баҳолаш. Серунум шляпкали, валикли тарашмашинаси ва тараш аппаратлари. Машина унумдорлиги ва тарам сифатига таъсир қилувчи омиллар тахлили. Паковка турлари ва тараш машинасида пилтанинг шаклланиши. Тараш машиналарининг истиқболдаги тараккиёт йўналишлари.

Қайта тараш учун маҳсулотни тайёрлаш усуллари. Замонавий қайта тараш машиналари. Қайта тараш машиналаридаги даврий ҳаракатдаги тарок ва тарокли барабанча билан тараш жараёнининг тахлили. Қайта тараш жараёнининг самардорлиги ва жадаллигини баҳолаш. Толаларни узунлиги бўйича саралаш назарияси. Қайта тараш жараёни тахлили. Қайта тараш жараёнида толаларни тозалаш. Қайта тараш машинасининг даврий ҳаракатида пилта шаклланиши. Қайта таралган пилтанинг тузилиши ва унинг нотекислиги.

Чўзиш асбобларида чўзиш жараёнини тахлили. Ўшқаланиш кучи майдони ва интенсивлигини баҳолаш. Чўзиш майдонидagi тасмалар, зичлагичлар ва уларнинг аҳамияти. Чўзиш асбобларидаги толалар ҳаракатларини ўргатувчи чўзиш эгри чизиги ва унинг аҳамияти. Маҳсулотни чўзиш жараёнидаги толаларнинг тўғриланиши ва тўғриланиш самарасини аниқловчи омиллар. Чўзиш жараёнида пайдо бўладиган нотекислик ва уларни аниқловчи омиллар. Чўзиш кучи. Чўзиш асбобидаги эзувчи валикларга қўйиладиган юк ва унинг миклори катталигини ўлчаш принципи. Чўзиш асбобини такомиллаштириш. Тараш ва пилталаш машиналарини агрегатлаш.

Пилталаш машиналарида пилталарни қўзиш жараёнининг назарий тахлили. Пилталарни қўзиш жараёнининг афзалликлари, камчиликлари ва самардорлиги.

«Tritzschelet», «Riter», «Marzoli» ва «Balkan» фирмалари пилталаш машиналаридаги пилта чизикий зичлигини автоматик тўғрилаш мосламалари. Ўтиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган толали хом-ашёлар асосида олинadиган янги ассортиментдаги ип ишлаб

чиқариш технологияларини такомиллаштириш ва бу йўналишдаги Республика соҳа олимларининг илмий изланишлари.

3.4. Хомаки маҳсулотлар, ипларни пилиштиш ва ўраш жараёнлари

Пилиштиш усуллари. Пиликлаш ва халқали йиғириш машиналарида пилиштиш жараёни. Халқали йиғиришдаги ипнинг структураси. Пилиштиш жадаллигини баҳолаш. Ипни пилиштишда унинг физик-механик хоссалари, узунликлари ва кўндаланг кесимининг ўзгариши. Пневмомеханик, роторли ва аэродинамик, фрикцион йиғириш усулларида пилиштиш жараёни. Урчуксиз йиғириш усулларида олинadиган ипнинг структураси ва хоссалари. Ўйгириш маҳсулотларининг қалбаки пилиштилиши, ўзи пилиштилувчанлик ва зичланиш жараёнларининг назарий тахлили. Жараёнлар интенсивлигини баҳолаш ва олинadиган маҳсулотлар структураси. Қалбаки пилиштилиш ва ўзи пилиштилувчанлик жараёнини амалга оширадиган механизмларнинг тахлили. Ўйгириш маҳсулотларини зичлаш усуллари ва уларнинг тахлили.

Ўрашдаги таранглик ва унинг тахлили. Пилта, пиллик ва ип паковкасининг структураси. Пиллик ва ип ўраш тенгламаси. Баллон тахлили, халқали йиғириш машинасидаги ипнинг таранглигини бошқариш ва ўрашдаги тарангликни аниқлашнинг аналитик услуби. Ўйгириш машиналаридаги узилиш сабаблари. Пневмомеханик ва халқали йиғириш машиналаридаги узилиш сабаблари. Узилишни қамайтириш йўллари. Мамлакатимиз ва минтақамиздаги тўқимачилик саноатида пахта толаси, бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этиш.

3.5. Штапеллаш жараёни. Ўйгиришнинг янги усуллари

Штапеллаш усуллари ва штапеллаш жараёнини тадбиқ қилиш соҳаси. Қирқиб ва узиб штапеллаш жараёнини тахлили. Штапелланган толалар узунлигини бошқариш. Жут қирқилишнинг дифференциал усули. Штапелловчи машиналар, унинг конструкцияларини такомиллаштириш усуллари.

Урчуксиз йиғириш усуллари таснифи. Урчуксиз ип йиғиришнинг асосий жараёнлари. таъминловчи маҳсулотнинг дискретизацияси, толалар дискрет окими, транспортировкаси, циклик қўпиш (гўллаш) ва ўраш. Камерали, роторли, аэродинамик, фрикцион йиғириш машиналари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Ўйгиришнинг ўзи пилиштүвчи усули ва унинг қўлланилиши. Ўйгиришдаги янги усулларнинг иқтисодий самардорлиги. Ип йиғириш корхоналари қурилишида стратегик лойиҳаларни амалга ошириш. Иқтисодиётни янада барқарор, ўзига, бакуват, жакон ва минтақавий бозорларида рақобатдош бўлишни таъминлаш учун тарққбий ўзгарттириш ва диверсификация ишларини амалга ошириш.

4. ТЎҚУВЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон ва жахон тўқимачилик саноатини ривожланиш йўллари. Тўқима ишлаб чиқариш соҳасида яратилган янги техника ва технологияларнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда тўқима ишлаб чиқариш технологияларнинг асосий йўналишлари.

4.1. Илларни қайта ўраш

